

## МОБИЛ ЖУРНАЛИСТИКА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Умирова Шаҳноза Абдумўминовна**  
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий**  
**коммуникациялар университети**  
**2-босқич магистранти**

**Аннотация:** Мақолада ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш, мобил журналистиканинг ривожланиш тарихи ва мамлакатимизда ҳам қўлланилиши, инсониятнинг ахборот олишга бўлган талабидан келиб чиқиб, мобил репортёрликни ривожлаштириш ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, мобил журналистикага оид жаҳон тажрибаси ҳақида тўхталиб ўтилади.

**Калит сўзлар:** блогер, мобил журналистика, репортёрлик, интернет, унверсаллашув, камера, жаҳон тажрибаси, келажак журналистлари.

Сир эмаски, бугунги кунда ахборотга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Эндиликда ахборот олиш манбалари майдони ҳам кенгайган. Жаҳонда ахборотга нисбатан маҳсулот сифатида қаралади. Айни вақтда ахборотни ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етказиш, ахборот бозорида талаб ва таклифни ўрганиш жуда муҳим. Атрофимизда ахборот кўп. Бир кунда кўплаб ахборотларга дуч келамиз. Баъзиларини онгли равишда қабул қилсак, баъзиларига парво ҳам қилмаймиз.

«Дунёни уруш домига тортадиган нарса нима? Ахборот. Аввалига дипломатлар ва сиёсатчилар журналистларга ёлғон маълумот берадилар. Кейин шу маълумотларни газеталарда ўқиб, ўзлари ҳам уларга ишонадилар», — деган эди австриялик олим Карл Краус.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ маънавий ва маърифий идеологияни илгари суришда оммавий ахборот воситаларининг роли тобора ошиб бормоқда. Бу албатта мазкур соҳа вакилларига давлатимиз раҳбарининг қаратаётган эътибори самараси десак хато бўлмайди. Оммавий ахборот воситалари қаторида блогерларнинг ҳам фаолияти жамиятдаги янгиликларни, ўзгаришларни истеъмолчига етказишда бирламчи манбаа бўлиб хизмат қилаётгани ҳам сир эмас. Чунки сўз эркинлиги бугун мамлакатдаги ривожланишларга бефарқ бўлмаган ҳолда ўз шахсий фикрини билдириш, жамоатчилик фаоллигини қўллаб-қувватлаш каби жараёнларда кўзга ташланади. Жумладан, ўз шахсий блогини юритаётган блогерлар ва мобил журналистика имкониятларидан самарали фойдаланишга эришаётган журналистлар ҳам халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш, халқчил сиёсатни англаш ва тўғри ташвиқ этиш бўйича дадил қадамлар ташлашга уринишмоқда.

Зеро, оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳам аҳолига холис ахборот тақдим этиш, ахборотнинг тезкорлиги ва ҳаққонийлиги каби сифатлардан ташқари мамлакатнинг маънавий-маърифий ғоясини тўғри талқин қила олиш ҳам зарур. Бунда айниқса мобил журналистика имкониятларидан самарали фойдаланган журналистлар оммавий ахборот воситалари учун манба сифатида кўмакчи ўлароқ намоён бўлмоқда.

Ҳажман қулай, доим ёнингиздаги олиб юрадиган мобил телефонларимиз кундалик ҳаётимизни, турмуш тарзимизни тубдан ўзгартирди. Айтиш жоизки, деярли ҳар бир соҳага ўз таъсирини кўрсатди, шу жумладан, журналистика ҳам бундан мустасно эмас. Биз анъанавий журналистикада янгиликларни телевизорда кўриш, радио орқали эшитиш, газеталарда ўқиш имкониятига эга эдик ва хабар топардик. Албатта, биз кўраётган дастур, кўрсатув, ўқиётган мақола, тинглаётган эшиттиришни

тайёрлашда бир нечта мутахассисларнинг меҳнати бор. Биргина эшиттиришни тайёрлашда журналист воқеа жойига боради, интервьюлар олади, маълумот йиғади ва иш жойига келиб, эшиттириш сценарийсини ёзади, овозларни монтаж усталари ёрдамида кесади, яхлит эшиттириш тайёр бўлиши учун гувоҳи бўлганимиздек бир неча кишининг иштироки, вақт ва техника зарур. Телекўрсатувлар тайёрлашда эса бу жамоа янада кенгайди. Муаллиф, режиссёр, тасвирчи, чироқчи ва монтажчи - ҳатто ҳажман кичик ролик тайёрлашда ҳам уларнинг иштироки керак. Мобил журналистикада эса бу жараён анча қулай кечади. Яъни мобил телефонлар ахборотни нафақат узатиш балки тайёрлаш, ишлаб чиқариш имкониятларига эга эканлигини инobatга олсак, ундан самарали фойдаланиш, мобил телефон орқали ўқувчиларга ахборотни олиш, тайёрлаш ва узатиш мобил журналистикани вужудга келтиради. Мобил журналистика дунё илмий адабиётларида "можо" ҳам деб юритилади.

"Можо" атамаси 2005-йилдан бери Fort Myers News-Press да пайдо бўлган ва кейин Қўшма Штатлардаги "Gannett" газетаси тармоғида машҳурликка эришган.

Мобил журналистиканинг биринчи нусхаси 1995-йил 22-февралда тақиладиган камера ёрдамида технология кашфиётчиси Стив Манн томонидан ёзилган.

Мобил журналистика Европа мамлакатларида 1990-йилларда бошланган. Бу мобил журналистика тарихининг биринчи босқичи деб қаралади. Мазкур босқичда ҳали унчалик такомиллашмаган мобил телефонлар имкониятларидан келиб чиқиб, суратга олиш ва овоз ёзиб олиш каби қулайликларидан фойдаланилган ҳолда можо ривожланиб боради.

Иккинчи босқич эса 2007 йилда Apple томонидан iPhone телефонлари ишлаб чиқарила бошланганлиги билан эътироф этилади. Натижада мобил телефонлардан фойдаланиш кўлами янада осонлашди ва телефондаги инсоният учун зарур бўлган иловалар ҳам такомиллашиб борди. Суратга олиш, овоз ёзиш каби имкониятларидан ташқари сифатли видео тасвирларини телефоннинг ўзида монтаж қилиш ва узатиш ахборотни бошқаларга улашиш имкониятини ҳам яратди. Йилдан-йилга интернет тармоғи билан боғлиқ янгиликлар ва ўзгаришлар ўз навбатида мобил телефонларнинг такомиллашуви ҳамда мобил журналистиканинг ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда беш миллиарддан ортиқ одам мобил қурилмаларга эга ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 2025 йилга келиб фойдаланувчиларнинг деярли 70% дан ортиғи интернетга фақат смартфонлар орқали киради.

### **Мобил журналистиканинг 3 та тури мавжуд. Булар:**

1. Ҳаваскор мобил журналистика.
2. Фуқаролик журналистикаси. (Халқ журналистикаси)
3. Профессional мобил журналистика.

Биринчи турга мансуб манбааларда сифат бўлмайди. Бирламчи мақсад маълумотни тезкор узатиш ҳисобланади. Ахборот берувчи фақат тезкорликка катта эътибор қаратади. Хабарда орфографик хатоларнинг бўлиши, видео – тасвир ёки овознинг сифатсиз ёзиб олиниш эҳтимоли ҳам мавжуд.

Иккинчи турга блогерларни, мустақил журналистларни киритиш мумкин. Бу йўналишда ижод қилувчилар маълумотлар тезкорлиги билан бирга шахсий муносабатларини ҳам билдиришади ва кўпинча халқ манфаатини устун қўйишади. Ўз блогларида ёки бошқа ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган маълумотлар плагиат бўлиши ва ёки ёлғонга асосланиб қолиши ҳам мумкин. Бунда ахборотни бир киши узатаётганига эътибор қаратиш жоиз. Анъанавий журналистикада бўлгани сингари муҳаррирлар маълумотларни текшириши, қайта ишлаши каби имкониятлари мавжуд эмас.

Учинчи тур профессионал мобил журналистика йўналишига тўхталадиган бўлсак, бугун дунёнинг илғор давлатларида бу тур яхшигина ривожланган. Ҳатто кўплаб телеканаллар ҳам айти вақтда мобил журналистика асосида ўз эфир маҳсулотларини тайёрлаб келишмоқда. Жумладан, Ҳиндистоннинг NDTV ва Al Jazeera нинг AJ+ муҳаррирлари ўзларининг видео янгиликларини ёритишда мобил журналистлардан фойдаланадилар.

Мобил журналистика ривожланиши натижасида кўлида смартфон бор одам ахборот олиш билан бирга уни узатиш, ўз шахсий муносабатини билдириш имкониятига эга бўлди. Бу эса ўз навбатида ахборот олиш ва уни тарқатиш имкониятларини кенгайтириши билан бирга ахборот алмашинув жараёнларини сезиларли даражада тезлатди. Анъанавий журналистикада ахборотга эга бўлиш учун ўша дастурни мунтазам кузатиш, кутиш зарур эди яъни вақт ва макон талаб этилган. Авваллари сиз уйда телевизор қаршисида ахборот дастури бошланадиган вақтни кутган бўлсангиз, эндиликда ахборот олиш учун вақт ва маконнинг аҳамияти йўқолди.

Мобил журналистика бугунги кун журналистлари олдида унверсаллашув талабини кўймоқда. Яъни ахборотни узатишда ўтилаётган дақиқалар унинг долзарблигига таъсир қилади. Ёки сиздан олдин бошқа мобил журналист уни тезкорлик билан ижтимоий тармоқларга, сайтларга жойлай олади. Нима учун? Чунки мобил журналистикада сусткашликка ўрин йўқ. Мобил журналист матнни телефонда бемалол ёза олиши, иловалар ёрдамида монтаж қилиши ва оммалаштиришни билиши керак. Бу жараён эса унверсалликни талаб этади.

Ахборот асри, тезкор даврда ишончли ва холис ахборотларни, маълумотларни тақдим этишда мобил журналистика имкониятларидан самарали фойдалана олиш зарур. Бугунги кунда фақатгина хусусий телеканаллар орқали мобил журналистика ёрдамида ёритилаётган лавҳаларга кўзимиз тушади. Аммо бу жараённи ҳам қониқарли деб бўлмайди. Мобил журналистика элементларини дастлаб пандемия даврида теле экранларда кўрдик. Аксарият нодавлат телеканалларнинг ахборот инфорацион дастурларида худудлардан мобил телефонлар орқали тасвирга олинган воқеа ва ҳодисалар шарҳлаб борилди. Бугун ҳам бу анъана мавжуд. Фақат бошқача кўринишда яъни айти вақтда бошловчи: "Ижтимоий тармоқларда тарқалган мазкур видео орқали журналист суриштируви ўтказилди" - дея лавҳалар намойиш этилмоқда. Аммо бу жараён мобил журналистика имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш эканлигини англамайди.

Бугун жаҳон тажрибасини ўрганиш ва мобил журналистика имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда ахборотни холис ва тезкор етказишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бунинг учун эса бу йўналишда илмий изланишлар олиб борилиши, мазкур йўналишда жаҳон тажрибасини оммалаштириш юзасидан турли халқаро семинар-тренинглarda мамлакат журналистларининг ҳам фаол иштирокини таъминлаш келажакда ахборот технологияларидан унумли фойдаланишда ўз натижасини, истиқболини кўрсатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <https://m.kun.uz/news>
2. Martyn, Peter H (1 April 2009). "The Mojo in the Third Millennium: Is multimedia journalism affecting the news we see?". Journalism
3. [httpsen.wikipedia.org/wiki/Mobile\\_journalism](httpsen.wikipedia.org/wiki/Mobile_journalism)
4. <httpswww.movophoto.com/pages/mojo-mobile-journalism>
5. <httpswww.movophoto.com/pages/mojo-mobile-journalism>
6. <httpsijnet.org/rustory>
7. „How AJ+ reported from Baltimore using only mobile phones“